ЎзбекистонРеспубликаси
Бухоровилояти
Бухоро туман ҳокими
Галаосиё шаҳар Буюк ипак йўли

O'zbekistonRespublikasi
Buxoroviloyati
Buxoro tuman hokimi
шоҳ кўчаси 54-уй Тел:54-25-331

"13" январь 2020 йил **Галаосиё шаҳри** **№ 18**

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 306-сонли қарорларига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Бухоро туман филиали томонидан аҳолига (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари, нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Бухоро туман филиали (Н.Садиров)га:

- ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб беришни таъминлаш;

- истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш

3. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Б.Ёдгоров) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Гала-Осиё овози" газетасида чоп этилишини, туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини ва электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

4. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Гала-Осиё овози" газетасида эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари К.Муясаров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Қ.Дўстов**

Бухоро вилоят Сувокава ДУК Бухоро туман филиали томонидан туманнинг МФЙлар ахолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар оркали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун туловлар тарифлари

тр	Худуд номи	микдори (тн)	Муддати	Сув олиш нуктасидан ахоли пунктигача булган уртача масофа (км)	Худудлар буйича ККС сиз уртача тариф		
					сум/тн-км	сум/тн	сум/литр
	Янги Турмуш МФЙ						
1	Кайрагоч	3,5		20	5063,75	59573,53	60
2	Кечкунок	3,5		22	5054,86	65415,88	65
3	Чармгар	3,5		27	5038,4	80021,76	80
4	Кичикбой	3,5		32	5027,1	94627,65	95
5	Арабхона	3,5		30	5031,16	88785,29	89
6	Лабиденов	3,5		30	5031,16	88785,29	89
7	Кулуштурум	3,5		30	5031,16	88785,29	89
	Суфикоргар МФЙ						
1	Мучавс	3,5		15	5096,33	44967,65	45
2	Чорук	3,5		15	5096,33	44967,65	45
3	Кумработ	3,5		25	5044,2	74179,41	74
4	Тавукчи	3,5		23	5051	68337,06	68
5	Денав	3,5		25	5044,2	74179,41	74
6	Работиохун	3,5		28	5035,82	82942,94	83
	Сохибкор МФЙ						
1	Олмазор	3,5		28	5035,82	82942,94	83
2	Чарос	3,5		29	5033,41	85864,12	85
3	Мангитон	3,5		28	5035,82	82942,94	83
4	Кумработ	3,5		30	5031,16	88785,29	89
	Боги Калон МФЙ						
1	Каракулиён	3,5		12	5128,92	36204,12	36
2	Кучкича	3,5		9	5183,22	27440,59	27
	Кавола Махмуд МФЙ						
1	Зирабод	3,5		10	5063,75	59573,53	60
2	Лабобиён	3,5		18	5074,61	53731,18	54
3	Мошкарон	3,5		15	5096,33	44967,65	45
4	Мугалон	3,5		20	5063,75	59573,53	60
5	Хасанаттор	3,5		17	5081	50810	51